



## ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ВА ХУДУДИЙ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ!

**Ашуров Отабек Умматиллаевич**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Тезкор қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси

E-mail: ashurovotabekk990@gmail.com

**Искандаров Нарзулла Хайруллаевич**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти, сафдор

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> January 2024

Accepted: 23<sup>th</sup> January 2024

Online: 24<sup>th</sup> January 2024

### KEY WORDS

Жазони ижро этиш муассасалари, тезкор бўлинмалар, ҳудудий ички ишлар органлари, жиноятчиликка қарши курашиш тушунчаси, ҳуқуқий асослари, жиноий жавобгарлик, жазо турлари, жиноят қонунчилиги соҳасидаги ислоҳотлар, Конституциявий-ҳуқуқий асослари, қонун устуворлиги, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлар.

### ABSTRACT

Мақолада жазони ижро этиш муассасалари тушунчаси, таҳлили, хориж тажрибаси, тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқлиги, соҳадаги янгилликлар, жазони ижро этиш муассасалари ҳамда ҳудудий ички ишлар органларининг ҳамкорлиги, жазони ижро этиш муассасалари ҳамда ҳудудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг назарий ва амалий тажрибасини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилган.

### КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ички ишлар органлари ходимларини "Инсон қадри

<sup>1</sup> Ашуров, О. (2023). вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.



учун" тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш, ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб- ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган<sup>2</sup>.

**Долзарблиги:** глобаллашув ва турли таҳдид ва можароларнинг кучайиши даврида табиий ва техноген офатлар, жумладан жиноятчиликнинг ошиб кетиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутди. Хусусан, ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилишга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилиб, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги етти йилда мамлакатимизда жадал маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар, жумладан ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди ва улар давом этмоқда.

**Муаммонинг баёни:** ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар натижада Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш департаментининг ташкилий тузилмаси ислоҳ қилинди. Жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ва ҳудудий ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ходимлари томонидан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг барвақт олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари аниқ тақсимланган ҳолда, уларнинг функция, вазифалари мазмун-моҳияти қайта кўриб чиқилди ҳамда мамлакатда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг мутлақо янги механизмлари яратилиб келинмоқда.

Ушбу мақолада биз янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг тинч-осойишта ҳаёти ва уларнинг хавфсизлиги кафолатлари тўғрисидаги нормалари талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар масаласини кўриб чиқамиз ва улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган айрим ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиламиз.

**Тадқиқот мақсади:** ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятида ҳамкорлик, ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усуллари:** ички ишлар органлари фаолиятидаги маъмурий-ҳуқуқий ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш

<sup>2</sup> Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. *journal of innovations in scientific and educational research*, 5(4), 240-247.



натижаларини баҳолаш, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида, Ўзбекистон Республикасининг жинойий ижроия қонунчилиги бўйича амалга оширилаётган қонунчиликка қуйидаги ўзгартишлар киритилди. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар, муассаса ходимлари ва бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек маҳкумлар томонидан мазкур муассасага етиб келгунга қадар содир этган, лекин жавобгарликка тортилмай қолган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш; белгиланган сақлаш режимини бузиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш муассасаларида содир этилган жиноятларни фош этиш, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочган маҳкумларни қидириб топиш ва бошқа жиноятларни фош этиш мақсадида жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ходимлари ҳамда ҳудудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ходимлари билан ҳамкорликда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади<sup>3</sup>

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти родини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганлигини кўришимиз мумкин<sup>4</sup>.

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияга мувофиқ, бир қанча қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Айтиш керакки, янги Конституция асосида бир қатор қонунларга, шунингдек, Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодексларига муҳим ўзгартишлар киритилмоқда. Ушбу тузатишлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга, жазо тайинлашда адолат принципини таъминлашга, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Бу ҳақда сўз борганда, мустақиллик йилларида юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришга ҳамда хусусий мулкчиликка алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияга биноан, фуқароларимиз томонидан содир этилган жиноятларга жазоларнинг мутаносиблигини таъминлашга, бундай қилмишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги оширилди. Шунингдек, қонунчиликдаги ўзгартишлар сабабли,

<sup>3</sup> <https://lex.uz/mobileact/163629>. Ўзбекистон Республикасининг Жинойий-ижроия кодекси. Тошкент-2023.

<sup>4</sup> Ашуров О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 25(2), 49-53.



эндиликда барча турдаги жиноятларни содир этган шахслар ихтиёрий равишда фуқароларга ва давлатга етказилган моддий зарарнинг ўрни қоплаган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги нормалар қонунчиликка киритилди.

Ҳақиқатга очиқ кўз билан боқадиган бўлсак, бугунги кунда жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ходимлар ҳамда худудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ходимлари ўртасида ҳамкорликнинг етарли даражада олиб борилмаётганлиги, сен менинг ишимга аралашмса мен сенинг ишингга аралашмайман деган қабилдаги кайфият ҳамон тарк этмаганлиги сабабли бу ўзаро тезкор ходимларнинг ички ҳамкорликларига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш, қонунни бузган шахсни жавобгарликка тортиш, жинойий тажовузлар натижасида фуқаролар ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни қоплаш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттита устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегиясида “ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар, шу жумладан кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилиш, қўшимча куч ва воситаларни жалб қилиш ҳамда ушбу жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш”<sup>5</sup> каби долзарб вазифалар ижросини таъминлашда жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ходимлари ҳамда худудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг тезкор ходимларининг ҳамкорлигини такомиллаштириб, ўзаро ички ҳамкорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ва танқидий ўрганиб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

Тадқиқотчилар жиноятчини аниқлаш, уни жазолашдан кўра, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этадилар. Шундай олимлардан бири Шарль де Монтескье “Қонунлар руҳи ҳақида”ги асарида “Яхши қонунчи жиноят учун жазо беришдан кўра жиноятларнинг олдини олиш ҳақида кўпроқ қайғуради. У жазолашга эмас, балки одамлар ахлоқини ўзгартиришга ҳаракат қилади дейди”<sup>6</sup>.

Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат ва эъзозга лойиқлиги, инсон қадриятларини топташга уринган ҳар қандай шахс қонун олдида жавобгарликка тортилишлиги муқаррарлигидир. Шу сабабли жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ходимлари ҳамда худудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг тезкор ходимларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш йўналишига оид таклифлар ҳамда тавсиялар берилган бўлиб, шу каби жиноятларни

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

<sup>6</sup> Монтескье Ш. Избранные произведения. – М., 1955. – Б. 231.



тезкор-қидирув тадбирларини қўллаган ҳолда аниқлаш ва фош этиш тартиб тамойиллари кўрсатиб берилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишимиз лозимки, жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ходимлари ҳамда худудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари ходимлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш жазони ижро этиш муассасаларида жинойтларнинг олдини олиш ҳамда фош этиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган.

## References:

1. Ашуров, О. (2023). вояга етмаганларга нисбатан жинойй зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.
2. Ашуров, О. У. (2022). Интернет орқали ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг салбий оқибатлари!. *journal of innovations in scientific and educational research*, 5(4), 240-247.
3. <https://lex.uz/mobileact/163629>. Ўзбекистон Республикасининг Жинойй-ижроия кодекси. Тошкент-2023.
4. Ашуров О. У. (2023). Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. *Образование наука и инновационные идеи в мире*, 25(2), 49-53.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
6. Монтескье Ш. Избранные произведения. – М., 1955. – Б. 231.